

Расмий муносабат: Мурожаат ижроси назоратга олинган



Ижтимоий тармоқлар орқали фуқароларнинг Музработ ва Шеробод туманлари ҳокимликлари, мутасадди ташкилотларга йўллаган мурожаатларига ечим қилинмаганлиги, вилоят ҳокимлигига қилинган мурожаат назоратга олинган, лекин ижроси таъминланмаётганлиги юзасидан мурожаат эълон қилинди.

Мазкур мурожаат Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан мурожаатларни қабул қилиш учун ташкил этилган телеграм ижтимоий тармоғидаги гуруҳга келиб тушган бўлиб, шу вақтнинг ўзида назоратга олинган ва ижрога йўналтирилган.

Ҳозирда ушбу мурожаатлар ижроси бўйича ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш ўтказилаётган бўлиб, масалани ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.